

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ: ҲУДУДИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АДАБИЁТЛАР (1990-2019 йй.)

Тўйчиева Раъно Алмаматовна,

Тошкент давлат шарқшунослик институти

For citation: Tuychiyeva Ra'no. India-Pakistan and Central Asia: regional security literature (1990-2019). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 41-71.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-8-5>

*Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўтган 30 йил ичида Ҳиндистон-Покистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан, ҳудудий хавфсизликни таъминлаш юзасидан ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган адабиётлар учта асосий давр(1990-2001 йиллар, 2001-2010 йиллар, 2010-2019 йиллар)га ҳамда уларда ўрганилган ҳудудий-сиёсий, иқтисодий ва этник-диний муаммолар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Ҳиндистон ва Покистоннинг ўзаро муносабатлари, улар ўртасидаги ҳудудий, сиёсий ва диний низоларнинг бартараф этилмаётгани сабаблари ҳамда оқибатлари, унинг Марказий ва Жанубий Осиё (МЖО) ҳудудидаги геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга таъсири кўриб чиқилган. Ўзаро муносабатларда икки давлатнинг ўз манфаатлари ва учинчи давлат сифатида АҚШ, Россия, Хитой, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон манфаатлари ҳам ўрганилган. Мақолани ёзишда муаммовий-хронологик, солиштирув

ва умумий илмий таҳлил методларидан фойдаланилди. Янгилиги шундаки, бугунги кунда ҳар томонлама модернизациялашув жараёнидаги Марказий Осиё давлатларининг глобал миқёсдаги халқаро алоқаларга киришишида Ҳиндистон-Покистон муносабатларининг таъсири кучли бўлмоқда, лекин бу мустақиллик йилларида Ўзбекистонда етарлича ўрганилаётгани йўқ. Ушбу мавзу юзасидан ўрганилган адабиётлар худудий, хронологик ва муаммовий хусусиятларига кўра гуруҳларга бўлиниб таснифланган ва керакли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Ҳиндистон, Покистон, Кашмир, Марказий Осиё, Афғонистон, худудий хавфсизлик.

ИНДИЯ-ПАКИСТАН И ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ: ЛИТЕРАТУРА ПО РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ (1990-2019гг.)

Туйчиева Раъно Алмаматовна,

Ташкентский государственный институт востоковедения

АННОТАЦИЯ

Целью данной статьи является изучения и анализ литературы трех основных периодов (1990-2001, 2001-2010, 2010-2019) территориально политических, экономических и этно-религиозных проблем взаимоотношений между Индией, Пакистаном и государствами Средней Азии посвящённых обеспечению территориальной безопасности за тридцать лет. Также в статье рассмотрены причины и последствия нерешенных проблем между Индией и Пакистаном территориального, политического и религиозного конфликтах, их влияние в геополитической, экономической и социальной сфере в территориях Центральной и Южной Азии. Отношения между двумя странами рассмотрены через интересы США, России, Китая, Афганистана и государств ЦА, в частности, интересы Узбекистана. Статья состоит из аннотации, ключевых слов, вступления, основной части, выводов и списка литературы. При написании статьи использованы методы проблем хронологического сопоставления и общего научного анализа. Новизна статьи заключается в том что отношения между Индией и Пакистаном оказывают большое влияние в вступлении международных отношении стран ЦА в процесс модернизации общества. Но это проблема в годы независимости Узбекистана недостаточно изучена. Научная литература посвящённая данной проблеме классифицировано по особенности территориального, хроноло-

гического проблемного характера по группам и даны соответствующие заключения.

Ключевые слова: Индия, Пакистан, Кашмир, Центральная Азия, Афганистан, региональной безопасности, политические-военные, экономические и этно-религиозные факторы.

INDIA-PAKISTAN AND CENTRAL ASIA: REGIONAL SECURITY LITERATURE (1990-2019)

Tuychiyeva Ra'no,

Tashkent State Institute of Oriental Studies

ANNOTATION

The purpose of this article is to provide literature on three main periods (1990-2001, 2001-2010, 2010-2019) on the relationship between India, Pakistan and Central Asia over the past 30 years, including regional security and study and analyse groups based on regional, political, economic, and ethnic-religious issues learned from them. The article also examines the relationship between India and Pakistan, the causes and effects of the unresolved regional, political and religious conflicts and their impact on the geopolitical, economic and social spheres in Central and South Asia. The relations of the two countries and the interests of the United States, Russia, China, Afghanistan and Central Asia, and Uzbekistan in particular, have been studied. The article consists of annotation, keywords, introduction, main part, conclusion and list of references. Problem-chronological, comparative and general scientific analysis methods were used in writing the article. The novelty is that today India-Pakistan relations have been greatly influenced by the process of comprehensive modernization of Central Asian countries in international relations, but it has not been studied in Uzbekistan in the years of independence. The literature on this topic is grouped according to its regional, chronological, and problematic features and provides the necessary conclusions.

Key words: India, Pakistan, Kashmir, Central Asia, Afghanistan, regional security, political-military, economic and religious-ethnic factors.

Кириш. Буюк Британиянинг Ҳиндистон ҳудудини тақсимлашда нотўғри демаркацияси туфайли пайдо бўлган Кашмир муаммоси 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида кескин зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳудуд мамлакатлар ўртасида кўплаб урушлар ва низоларга сабаб бўлди (1947-48, 1965, 1972, 1999 йилларда-

ги йирик урушлар [61], 2001-2002 йиллардаги инқироз ҳолати, 2019 йил февраль ва мартдаги ҳарбий низолар). Худудга эгалик қилиш масаласини ҳал этишда такрорий уринишлар Деҳли-Исломобод музокараларида ҳам ва халқаро миқёсда ҳам ўз самарасини бермаяпти, оқибатда минтақадаги вазият беқарорлигича қолмоқда. Икки томонлама қарама-қаршилик 1990 йилларга келиб собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ҳамда бу орқали Ҳиндистон ва Покистон учун Марказий Осиёда янги имкониятларнинг очилиши билан янада кучайди. Деҳли ҳам Исломобод ҳам Марказий Осиёнинг беш давлати билан йўқотилган маданий-тарихий алоқаларни қайта тиклашга ва худудда ўз мавқеига эга бўлишга ҳаракат қила бошлади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири Марказий Осиёнинг Афғонистонга, сўнгра денгиз савдо йўлига чиқиши учун асосий транзит “эшиги” вазифасини бажаришга киришди.

Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, ҳозирда Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда МДХдаги худудий хавфсизлик масаласи Ҳиндистон-Покистон муносабатларининг ривожланиш даражаси ва уларнинг “афғон муаммоси” бўйича стратегияси билан узвий боғлиқ бўлмоқда. Икки давлат ўртасидаги эски худудий низо бугунга келиб этник-диний, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа кўплаб масалаларда янги муаммолар билан мураккаблашиб бормоқда. Марказий Осиёнинг Афғонистон ва у орқали Покистон билан чегарадошлиги худудда кўплаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг авж олишига, минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Мавзуни ўрганишнинг зарурати ва аҳамияти шундаки, унда Жанубий ва Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ҳиндистон ва Покистоннинг роли, халқаро муносабатлар тизимида МОнинг ўрни батафсил ёритиб берилган.

Мазкур мавзуни ўрганилишидан мақсад Ҳиндистон-Покистон можаросининг МЖО минтақаси худудий хавфсизлиги, сиёсий ва иқтисодий ривожланиши, ижтимоий муаммоларнинг кучайиши ёки бар-тараф этилишига бевосита таъсирини ўрганиш, ушбу масала юзасидан маҳаллий ва халқаро миқёсдаги адабиётларни таҳлил қилиш, улардан келиб чиқиб шахсий хулосаларни беришдан иборатдир.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, мавзуни ўрганиш юзасидан қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

а) Ҳиндистон ва Покистон билан МО давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш;

б) дунёнинг етакчи мамлакатлари — АҚШ, Россия ва Хитойнинг муносабатлар ривожига таъсирини белгилаш;

в) муаммо туфайли авж олаётган хавф-хатарларнинг Марказий Осиёга таъсирини кўриб чиқиш;

Ушбу мақоланинг илмий янгилиги шу билан изоҳланадики, унда Ўзбекистоннинг ўз ички ва ташқи миллий, сиёсий ва иқтисодий манфаатларига таяниб, ўз ҳудудида тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, Ҳиндистон-Покистон муаммосининг ҳал этилиши, уларнинг МОга қаратилган илғор саъй-ҳаракатларида мамлакатимизнинг фаол иштирокига алоҳида урғу берилган. Шунингдек, модернизациялашувга киришган МО давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳам глобал миқёсдаги халқаро муносабатларида Ҳиндистон ва Покистоннинг роли мамлакатимизда яхши ўрганилмаётгани кузатилмоқда.

Мақолани ёзиш учун фойдаланилган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этишда тарихийлик, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди:

* Ҳиндистон ва Покистон билан МО давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиш динамикасини ўрганишда тарихий методга таянилди;

* муаммовий-хронологик метод ёрдамида мазкур мавзу юзасидан кўриб чиқилган адабиётлар ўрганилган даври ва ёритиб берган муаммосига кўра гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинди.

* қиёсий таҳлил методи орқали ўзаро зиддиятларни ҳал этишда ҳамда МОда фаолият юритишда томонларнинг саъй-ҳаракатлари ва мутахассисларнинг ёндошувлари ўзаро солиштирилиб, керакли хулосалар берилди.

Ҳиндистон-Покистон муносабатларининг МОга таъсирини ўрганишда халқаро муносабатлар тизимининг турли даражаларида шаклланиш жараёнини ўрганаётган қатор мутахассислар — сиёсатчилар, тарихчилар, социологлар, конфликтологлар ва юристларнинг илмий ишлари, изланишлари, БМТнинг расмий ҳужжатлари ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларидан фойдаланилди.

Мазкур мақолада Ҳиндистон ва Покистоннинг МО республикалари билан ўзаро муносабатларига бағишланган адабиётлар яратилган ҳудуди доирасида учта гуруҳга - АҚШ ва Европа Иттифоқи(ЕИ), Евроосиё мамлакатлари(Хитой, Ҳиндистон, МДҲ давлатлари, жумладан, Россия ва МО республикалари) ҳамда Ислом дунёси мамлакатлари (Туркия, БАА, Покистон ва бошқалар)га, ёндошув мавзусига кўра этник-диний, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий каби учта асосий гуруҳларга, ўрганилган даври бўйича учта ўн йиллик — 1990-2001, 2001-2010, 2010-2019 йилларга бўлиниб ўрганилди.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан сўнг, мустақилликка эришган Марказий Осиёнинг бешта республикалари – Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон Ҳиндистон ҳамда Покистоннинг дипломатик ва иқтисодий ривожланишларида муҳим рол ўйновчи майдонга айланди. Бу икки давлат Марказий Осиёнинг йирик энергия заҳираларига эга эканлиги, унинг геостратегик жойлашуви икки мамлакатнинг Россия ва Хитой билан муносабатларида ҳамда Кашмир муаммосининг ҳал этилишида алоҳида аҳамият ва таъсирга эгаллиги учун ҳам минтақада ўзаро рақобатдош кучлар сифатида намоён бўлдилар [27].

Марказий ва Жанубий Осиё тарихи бўйича англиялик мутахассислар Лараулле ва Пейроусларнинг фикрича, 1990-2000 йиллар Марказий Осиё давлатлари учун мустақилликни қўлга киритгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби ўз ташқи сиёсатда ҳам янги ислохотларни амалга ошириш ва янги ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йиллари бўлди. Ҳиндистон ва Покистоннинг МО билан айнан шу даврдаги ўзаро алоқаларига бағишланган адабиётлар анчайин салмоқли [45].

Собиқ Иттифоқ парчалангач, Марказий Осиёда юзага келган бир нечта тартибсизликлар сабаб (миллатлараро муаммолар, руслар кўчиши, Тожикистондаги фуқаролик уруши, иқтисодий қийинчиликлар, эркин бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккаб ва узоқ жараён) Ҳиндистон бошида минтақа билан муносабатларни тиклаш ва ривожлантиришга ҳайрихоҳлик билдирмади. 1993 йил минтақага ташриф буюрган Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао бир нечта кичик кредитларни эълон қилиш билан чегараланганди. Бироқ, Толибон ҳаракати Афғонистонда ҳукуматни қўлга киритгач ҳамда Покистоннинг Афғонистон билан яқинлашув сиёсатидан сўнг 1992-1996 йилларда Афғонистон билан дўстона муносабатларни йўлга қўйишга уринган Ҳиндистон ташқи сиёсатида МО муҳим минтақага айланди. Шундай қилиб, 90-йиллар ўрталарига келиб Ҳиндистоннинг МОдаги сиёсати асосан Афғонистон омилидан келиб чиқиб белгиланди.

1990 йилларнинг бошидан буён Ҳиндистоннинг барқарор иқтисодий ўсиши, дунёдаги энг йирик нефт ва газ маҳсулотларининг истеъмолчиси сифатида пайдо бўлиши билан бирга Марказий Осиё минтақаси билан анъанавий муносабатларни қайта тиклаш учун ҳаракат бошлади. Ҳиндистоннинг минтақадаги манфаатлари энергия хавфсизлиги, савдо-сотиқ ва инфратузилмани ривожлантириш дастурларини амалга оширишдан иборат эди. Шу билан бирга, МО республикалари билан минтақада хавфсизликни таъминлаш масаласида мус-

таҳкам ҳамкорлик қилиш ташаббуси билан чиқди. МОда ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишида АҚШ, Россия ва Хитой каби ташқи ўйинчилар билан рақобатлашишига тўғри келди. Айниқса, Покистоннинг ҳам минтақага кириб келиши Ҳиндистонни юқори даражадаги рақобатдош муҳитда ишлаши учун туртки бўлди [54].

Ўзаро муносабатлар ривожигаги этник-диний омиллар

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёга бўлган қизиқиши нафақат энергетика ресурсларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан, балки миллий хавфсизликни таъминлаш жиҳатидан ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Гап Собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг Покистонга яқин ва ҳудудда диний экстремизим илдиз отган Афғонистон билан чегарадошлиги ҳақида кетмоқда. Мазкур ҳудуддаги ривожланиб бораётган бундай глобал ҳавфлар рўйхатига терроризм, наркотрафика, қурол ва одам савдоси, этник ва ижтимоий зиддиятлар, сиёсий беқарорлик ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гарчи Покистон МО давлатлари мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиб, улар билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга улгурган бўлсада, кейинги даврда ўзаро муносабатларни ривожлантиришда Ҳиндистондан анча орқада қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири, МО давлатлари Покистонни террористик гуруҳлар ва Афғонистондаги Толибон ҳаракатини қўллаб-қувватлашдаги роли туфайли унга нисбатан ишончсизлик билдириб келишди. Афғонистондаги фаол Толибон ҳаракати Покистоннинг минтақадаги нуфузига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди [24].

Покистон Марказий Осиёга дастлаб табиий кенгайиш майдони сифатида қаради ва бунинг амалга оширишда ҳудудда Ислом динининг етакчи рол ўйнашидан умид қилди. Ушбу ғоянинг шаффоф эмаслигига қарамасдан, Покистон ҳукуматининг фикри ҳар доим устунликка эришиш эди. Автомагистралларнинг қурилиши Исломобод томонидан ғарбда Арабистон денгизидан Қора денгизга қадар дунёдаги энг йирик Исломий гуруҳларни шакллантиришга асос бўлди ҳамда Покистон бундан катта сиёсий ва иқтисодий фойда кўришни кўзлади [25].

Собиқ Иттифоқ парчалангач, чегаралардаги заифлик, сиёсий беқарорлик ва иқтисодий қийинчиликлар сабабли МО республикаларида террористик гуруҳларнинг кенг ёйилиши кескин ўсиб борди. Бошқа жиҳатдан Янги Деҳли ўзига чегарадош мамлакатларни экстремистик гуруҳларни қўллаб қувватлаётганидан ҳавотирда эди, сабаби бу ҳолат Ҳиндистоннинг миллий хавфсизлиги учун ҳам тўғридан-тўғри хавф соларди, айниқса Кашмир муаммосининг чуқурлашиши-

га сабаб бўлаётганди. Ундан ташқари, Ҳиндистон халқаро аренада ўзининг геосийосий мавқеини мустаҳкамлаш ҳаракатида эди. Бу эса ўз навбатида мамлакатдан терроризм ва диний низолар каби глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган халқаро ҳаракатларга қўшилишни талаб этарди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШдаги террорчилик ҳаракатидан сўнг Ҳиндистон халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича АҚШ билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтди. Ўз навбатида, Ҳиндистон мазкур йўналишда МО республикалари билан ҳам фаол ҳамкорликни ривожлантирди.

Иқтисодий омиллар

Мустақиллик йилларининг дастлабки давриданоқ МО бозори ҳиндистонлик тадбиркорлар эътиборини ўзига тортди. Бир тарафдан, ҳали етарлича яшаш шароити ва моддий базасига эга бўлмаган аҳоли Фарбда ишлаб чиқарилган қиммат маҳсулотларни сотиб ололмасди, иккинчи томондан, ҳудуд аҳолиси Хитойдан кириб келувчи арзон ва паст сифатли маҳсулотлардан деярли чарчашганди. 1990 йиллардаги Ҳиндистон ва МО ўртасидаги умумий товар алмашинувининг деярли ярми Қозоғистон улушига тўғри келарди.

Уран рудаси, углеводород конлари, йирик гидроэнергетика салоҳияти каби табиий минерал-хомашё ресурсларига бой бўлган Марказий Осиёнинг бешта давлати 1990-йиллар бошида, яъни Собиқ Совет Иттифоқидан ажралиб чиққач, халқаро кучларнинг эътибор марказига айланди. Жумладан, Янги Деҳли минтақада энергия хавфсизлиги, савдо, сармоя, инфратузилмани ривожлантириш, ислом фундаментализмига қарши курашиш ва бошқа масалалардаги муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликни ривожлантиришга киришди. 1990 йиллар бошидан бошланган Ҳиндистон ва Покистоннинг Марказий Осиё билан муносабатлари ўн йиллик охирларига келиб маданий жиҳатдан иқтисодий ёки стратегик контекстга айланди. Мустақилликка эришгач Марказий Осиёнинг марказий режалаштирилган иқтисоддан бозор иқтисодиётига ўтиши хусусан Ҳиндистоннинг йирик бозор иқтисодиётини либераллаштиришга қаратилган радикал иқтисодий ислоҳотлар дастури билан мос келарди. 1992 йилдан бошлаб Ҳиндистон ҳаддан ташқари ички йўналтирилган иқтисоддан глобал миқёсда интеграция қилинган давлатга ўтишга муваффақ бўлди. Энергия хавфсизлиги, қашшоқлик, заиф инфратузилма, минтақавий можаролар ва ички хавфсизлик каби жиддий муаммоларга қарамасдан, Ҳиндистон бугунги кунда дунёдаги энг жадал ривожланиб бораётган иқтисодиётлардан бирига айланди. Шу билан бирга, секин ва оқсоқ ўсиш давридан сўнг, МОНинг барча мамлакатлари ҳам, айниқса, 2000 йилдан кейин тез ўсиб борди [56].

90-йилларнинг бошиданоқ МО давлатлари билан алоқаларни мустақамлаш Покистон сиёсатининг ҳам чорак қисмига айланди. Улар ўртасидаги узоқ тарихга эга муносабатлар Покистон билан нисбатан энг яқин чегараларга эга Тожикистон билан кўпроқ ривожлана бошлади. МО республикалари ҳам денгиз савдосига чиқа олишлари учун Покистоннинг мукамал йўл эканлигини ҳисобга олиб у билан асосан савдо-иқтисодий соҳаларда алоқаларни ўрната бошладилар. (МОга энг яқин портлар — Карачи (Покистон) — 2720 км, Бандар-Аббос (Эрон) — 3400 км, Ростов (Россия) — 4200 км). Лекин Покистоннинг Ҳиндистон билан ўзаро ҳудудий муаммолари ва Афғонистондаги мураккаб вазият туфайли бу йўналишдаги мақсадлари деярли амалга ошмай қолди.

Географик жиҳатдан денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум ва табиий ресурсларга бой МО республикалари энергия манбаларига эга бўлмаган ҳамда бу эҳтиёжини МО ҳисобидан қоплашни истаган Покистон билан бир нечта шартномалар имзолади. Улар ўртасида имзоланган шартномалар, келишувлар ва меморандумларда Афғонистондаги беқарорлик ва ноқулай вазиятни юмшатишга қаратилган ҳаракатлар марказий ўринда турди [3].

2000 йилларнинг бошларида Ҳиндистон Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон билан энергетика соҳасида ўзаро ҳамкорликни юксалтириш бўйича кўплаб меморандумлар имзолади. Бироқ, Туркменистон билан имзоланган газ етказиб бериш бўйича келишувлар ҳамда Қозоғистон билан тузилган бир нечта инфратузилмавий лойиҳалар бажарилмай қолди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон Марказий Осиёда энергетика соҳасига инвестиция киритиш бўйича йирик инвесторлар ўнталигига кира олмади.

Табиий газ ва нефт учун халқаро бозорларни топиш МО раҳбарияти олдидаги долзарб масалалардан бири эди. Бу долзарблик Ҳиндистон ва Покистон томонидан тасдиқланди. Хусусан, Исломобод 1997 йилга келиб трансфғон газ қувурини қуришга муваффақ бўлди ва бу орқали МОдан Афғонистон орқали газ импортини йўлга қўйди. Шундан сўнг Ҳиндистон ҳам мазкур газ қувур йўлини ўз ҳудудигача узайтирилишига умид боғлади ва янги “ўзаро боғлиқлик” лойиҳасини ишлаб чиқди. Покистон билан яқинлашишга ва уни мазкур газ қувур йўлини узайтиришга кўндиришга уринди. Лекин, шу йилнинг 11 сентябридаги Америкадаги террористик теракт туфайли Афғонистондаги геосиёсий манзара ўзгарди. Ўз-ўзидан Ҳиндистоннинг уринишлари натижасиз яқунланди. Покистоннинг газ импорти фаолияти ҳам тўхтатилди.

Шундай қилиб, Ҳиндистон ва Покистоннинг 1990-2000 йиллардаги МОдаги рақобатлашувини учта асосий йўналишларга бўлиш мумкин:

МОНинг геостратегик жиҳатдан Кашмир ҳудудидаги мавжуд муаммоларни ҳал этилишида таъсир кучига эга эканлиги учун минтақа билан сиёсий яқинликни кучайтириш;

МОда савдо-сотиқни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни ривожлантириш;

МО газ ва нефть конларидан фойдаланишга уриниш ва бу йўлда лойиҳаларнинг амалга оширилиши.

Ҳиндистон ҳам Покистон ҳам МО минтақасида ўз манфаатларини кўзлашди ва бунга маълум даражада эришишди. Покистоннинг минтақадаги мақсадлари унинг сиёсий ва хавфсизлик, иқтисодий ва тижорат нуқтаи назаридан келиб чиққан бўлса, Ҳиндистоннинг ҳудуддаги ҳаракати асосан энергия транзит йўлагини ривожлантириш истаги билан белгиланди.

2001-2010йилларда Ҳиндистон ва Покистоннинг МО республикалари билан ўзаро муносабатлари янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, Ўзбекистон Покистонни Жанубий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан бири сифатида тан олди. 2006 йил майида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Покистонга ташрифи чоғида ўзаро молиявий ва савдо алоқаларини кенгайтиришга ҳамда терроризмга қарши биргаликда курашишга келишиб олинди. Учрашув чоғида Президент Ислон Каримов Ўзбекистондан терроризм ва диний экстремизмга қўшилиб қолаётган ёшларнинг аксарият қисми Покистонда фаолият олиб бораётган экстремистлар томонидан жалб этилаётгани ҳамда махсус лагерларда жойлашиб машғулотлар олиб бораётгани, Покистон ҳукумати бу масалага жиддий эътибор қаратиши ва керакли амалий чораларни қўллаши лозимлигини таъкидлади. Турли оқимларга қўшилиб ўз мамлакатларини ташлаб кетаётган қочоқларнинг асосий қисми Покистон ва унинг атрофидаги ҳудудлардан паноҳ топаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Ҳарбий-сиёсий омиллар

МОда ўз таъсирини кучайтиришга уриниши оқибатида 2000 йилларга келиб минтақада Россия, Хитой ва Ҳиндистон учбурчаги юзага келди. Россия Ташқи ишлар Вазири Игор Иванов 2002 йил февралда Янги Деҳлига ташрифи чоғида “бу учбурчак МО минтақасида ривожланиши секин, аммо барқарор ҳаракатни олиб боради” деб таъкидлади [52].

Ҳиндистоннинг МОдаги таъсири йилдан-йилга ўсиб борди ва у минтақадаги фаолиятида ўзининг тарихдан яқин дўсти Россияга ҳам

суянди. Жумладан, 2002 йил июл ойида Ҳиндистон – Россия биргаликдаги Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, мазкур гуруҳ МО ва Афғонистонда терроризм, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда амалий чора-тадбирларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

2002 йил апрел ойида Ҳиндистон Мудофаа Вазирининг Тожикистонга расмий ташрифи билан Фархор шаҳрида Ҳиндистоннинг ҳарбий базасини қуриш бўйича битим имзоланди. Қурилиши мўлжалланган бу ҳарбий базанинг Покистонга ҳам катта аҳамияти бор эди (Покистон Тожикистон билан жуда яқин жойлашган, уларни фақатгина Афғонистонга тегишли Ваҳан йўлаги ажратиб туради). Уч мамлакат (Ҳиндистон, Покистон ва Тожикистон)нинг келишувига кўра мазкур ҳарбий база Тожикистон суверенитетини ҳисобга олган ҳолда унинг миллий хавфсизлигига даҳлсиз равишда фаолият олиб борилиши қатъий белгиланди[28].

Ўзаро муносабатлар ривожидида Ҳиндистон-Қозоғистон алоқалари ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Жумладан, ҳавфсизликни таъминлаш ва ҳудуддаги змонавий таҳдидларга қарши курашиш Ҳиндистон-Қозоғистон ҳамкорлигидаги вазифаларидан бири бўлди. Асосан 2001 йилдан давлатлар ўртасида ҳарбийлар ва сиёсатчиларнинг ўзаро фаол ташрифлари бошланди. Натижада ўзаро бир нечта битим ва келишувлар имзоланди. Икки томонлама ҳарбий-техникавий ва халқаро терроризмга қарши курашишдаги асосий вазифалар Қозоғистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида имзоланган Ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳақидаги Меморандумда ўз аксини топди[5]. 2003 йил икки давлат Мудофаа вазирлари учрашувида Ҳиндистон Мудофаа Вазирлиги Джордж Фернандес шундай деб таъкидлади: “...биз ўзаро ҳамкорлигимизда асосий урғуни терроризмга қарши курашишга қаратамиз...”. Шундан сўнг Ҳиндистон ва Қозоғистон ҳамкорлигида терроризмга қарши курашиш Ишчи гуруҳи тузилди. Қозоғистон ташаббуси билан Осиёда ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб борувчи Кенгаш тузилди ва бу Кенгашга Ҳиндистон ва Қозоғистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон ҳамда Покистон ҳам аъзо бўлдилар.

Минтақадаги ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-сиёсий таъсирни кучайтириш учун қаратилган ҳинд стратегияси кейинги йилларда ҳам ўз кучини сақлаб қолди. Ҳиндистон Тожикистон ҳарбий хизматчилари учун шифохоналар қуриш ва уларни жиҳозлаш ишларида фаол қатнашди. Қўшни Қирғизистонда биргаликда юқори даражадаги ҳарбий тадқиқот маркази очилиши ҳамда қирғиз аскарларининг БМТ

тинчликпарвар миссияларида хизмат қилиш учун тренинглар ташкил этилишида ташаббус кўрсатди. Ҳиндистон бу масалада Ўзбекистон билан ҳам яхши тил топа олди. Бунда эса Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида диний экстремизмни кенг ёйилишига уринаётган Покистондаги экстремистик диний ташкилотларга нисбатан норозилик кайфияти ва уларга қарши курашиш истаги Ҳиндистонга қўл келди [8].

Бу даврга келиб Марказий Осиёга Афғонистон ва Покистондан таҳдид солаётган террористик гуруҳлар Ҳиндистон учун ҳам бир хилда хавfli тус ола бошлади. Ҳиндистон ўзининг минтақада ҳарбий-сиёсий таъсирини кучайтириш ҳамда Афғонистон ва Покистондаги беқарорлик устидан юқори даражадаги ташвиқотларига қарамай, у ташқи сиёсат борасида ўзининг бошқа хорижий ҳамкорларига нисбатан МО билан анчайин “юмшоқ” муносабатда бўлди. Шу сабабли ҳам Ҳиндистон МО ҳудудида нафақат руслар, хитойликлар ва америкаликлар, балки Европа Иттифоқи, Эрон ва Туркия билан ҳам ўзини рақобатчи сифатида таққослай олмади.

Иқтисодий омиллар

2000 йиллар бошиданоқ Ҳиндистон анъанавий равишда фармацевтика маҳсулотлари, чой, кийим-кечак, чарм буюмлари, косметика маҳсулотлари, пахта иплари, тўқимачилик маҳсулотлари, гуруч, электроника, ўғитлар ва бошқаларни етқазиб беришни кенг йўлга қўйди. Янги Деҳли минтақанинг энг йирик савдо ҳамкорларидан бирига айлана бошлади. Ҳиндистон ва МО ўртасидаги савдо ҳажми 500 миллион долларга етди. Бироқ Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажмининг ўсиб бораётганига қарамай, бу масала бўйича баъзи жиддий муаммолар мавжуд эди. Улардан асосийси бу савдо йўллари муаммоси. Икки ҳудудни боғловчи кичик савдо оқимлари Мянма, Бангладеш ва Покистон орқали ўтарди. Ҳиндистонлик мутахассислар Эрон орқали ҳам кўп йўналишларни ишлаб чиқдилар [26].

Бу даврга келиб Покистон МО минтақасидаги фаолиятида икки асосий йўналишга эга бўлди. Биринчиси – иқтисодий мақсадлар: янги бозорларни ривожлантириш, янги ва арзон энергия манбаларига кириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш. Мақсадларнинг иккинчи йўналиши ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга масалалар билан боғлиқ бўлди. Покистон ўзининг шимолий қўшнилари - Афғонистон ва МО мамлакатларига Ҳиндистон билан қарама-қаршилиқ ва зиддият юз берган тақдирда “стратегик чуқурлик”ни яратувчи “хавфсизлик камари” сифатида қаради. Исломобод афғон ва МО минтақасида Деҳли фаолиятини муваффақиятга эришишидан, шимолда жойлаш-

ган давлатларда Ҳиндистонга нисбатан садоқатли муносабатни шаклланишидан кўрқиб, ушбу минтақада ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга интилди [31].

2002 йил июл ойида Трансафғон газ қувури лойиҳаси иштирокчилари — Покистон, Афғонистон ва Туркманистон вакиллари учрашишди ва лойиҳани қайта тиклашга бўлган тўсиқларни бартараф этиш бўйича келишиб олишди. Уни йўлга қўйиш учун улар Осиё Тараққиёт Банкига мурожаат қилиб 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз олдилар. Ўз навбатида Ҳиндистон ҳам музокараларга қўшилди ва ўзининг табиий газ ҳамда энергия манбаларига бўлган эҳтиёжининг катталиги билан ўз талабини асослади. (Охирги 30 йил ичида Ҳиндистон дунёнинг энг йирик энергия манбалари истеъмолчиларидан бири. Биргина 2002 йилнинг ўзида 26 миллиард куб метр табиий газ истеъмол қилган. 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 37 миллиард куб метр, 2010 йилда эса 51 миллиард куб метрга етган). Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг бой энергия захирасига эга Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатлари геостратегик ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга[33].

2002 йилнинг ўзида Ҳиндистон МО республикалари билан савдо соҳасида ўндан ортиқ шартномалар имзолади.

2000-2010 йилларда Марказий Осиё Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатида жуда муҳим ўринга эга бўлди. Шунингдек, минтақа сиёсий жиҳатдан Россия, Хитой ва Яқин Шарқнинг қатор йирик давлатлари манфаатлари кесишувчи дунёнинг стратегик зоналаридан бирига айланди. Шу билан бир қаторда минтақа нефт, табиий газ, олтин, мис, алюминий, темир ва бошқа муҳим табиий ресурсларга бой ҳудуд сифатида намоён бўлди. Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, ҳатто Афғонистон ва Покистон сингари ташқи ўйинчиларнинг географик яқинлиги Ҳиндистоннинг МОдаги икки томонлама муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатди. Тез орада дунёнинг йирик сиёсатчилари таҳлилида “Марказий Осиёдаги Янги ўйинлар” ибораси пайдо бўлди. Минтақавий рақобат диний радикализм ва терроризм билан аралашди. Бу эса МОда Жанубий Осиёга нисбатан ишончсизлик кайфиятини шаклланишига олиб келди [30].

Тарихий ва маданий жиҳатдан МО ўзининг жанубий қўшнилари билан яқин алоқаларга эга бўлган. Собиқ Иттифоқнинг қулаши билан анъанавий яқинлик савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқаларни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиши мумкин эди. Лекин МОдаги Туркиянинг мўтадил ҳаракати, Эрон ва Саудия Арабистонининг радикал ҳаракатлари, Афғонистондаги Толибон ҳаракатининг

Покистон томонидан қўллаб-қувватланиши ва бунинг МОга тўғридан-тўғри хавфи муносабатлар ривожига салбий таъсир кўрсатди [53].

Бу йилларда Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга уриниши ўзининг ички сиёсий-стратегик, иқтисодий, тинчлик ва ҳавфсизлик тизимини “кенгайтирилган қўшничилик” асосида мустаҳкамлаш, терроризм ва Афғонистон муаммосини биргаликда ҳал этиш, ўзининг энергетик таъминотини кучайтириш ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларига кўра амалга оширилди.

Покистоннинг МОдаги қизиқишлари Афғонистоннинг минтақа билан умумий чегарага эга эканлиги, минерал ресурсларга бойлиги, Кашмир ҳудудига нисбатан геостратегик жойлашуви ҳамда трансчегаравий савдо даромадларининг потенциали юқорилиги билан характерланди.

2010 йилдан бугунги кунгача Ҳиндистон ва Покистоннинг ўзаро муносабатлари ҳамда МОдаги фаолиятлари юзасидан ёзилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур даврда бу мавзу дунёнинг ҳар бир нуқтасида жудаям синчковлик билан ўрганилмоқда ва турлича таҳлил қилинмоқда.

Этник – диний омиллар

МО давлатлари Кашмир масаласида ҳудуддаги аҳоли мусулмон бўлгани учун Покистоннинг тарафини оладилар ва Покистон сиёсати ҳудудни назорат қилиш учун тўлиқ мос келади деб ҳисоблайдилар. Янги Деҳли эса бунга жавобан “Афғонистон ва Покистонда терроризм ва диний экстремизмнинг кучайиши Кашмирга ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда ва ҳудуд ҳавфсизлиги учун доимий муаммога айланмоқда”, деб жавоб бермоқда. Ҳиндистон ва МО давлатлари айни муаммоларга нисбатан душманлик муносабатида ва уларга қарши курашишда ҳамкорликда иш олиб боришмоқда[67].

АҚШнинг Афғонистондаги янгиланаётган иштироки, Покистонда диний экстремизм ва терроризмнинг тобора илдиз отаётгани ва Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида Хитой таъсирининг кучайиши билан Марказий Осиё – Жанубий Осиё муносабатлари Евроосиё қитъасининг келажагини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиёни хариталаштириш келгуси ўн йил ичида Марказий Осиё – Ҳиндистон ва Покистон йўналишида ўзаро тенденцияларни ва муносабатларни белгилашда учта асосий можаро зоналари муҳим рол ўйнайди: Кашмир масаласи, Афғонистондаги вазият, Шинжон ҳудудидаги беқарорлик [45].

Афғонистон ва Покистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик ҳисобкитобларида муҳим аҳамиятга эга бўлган уч асосий ўйинчилари (Рос-

сия, Хитой ва АҚШ)дан ташқари Ҳиндистон нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим. Афғонистон ва МО этник, маданий ва лингвистик жиҳатдан умумий тарихга эга. МОНинг беш давлатидан учтаси (Туркма-нистон, Ўзбекистон ва Тожикистон) Афғонистон билан умумий че-гараларга эгалар. Улар автомобил йўллари, темир йўллар ва кўприк-лар орқали ўзаро боғланади. Мутахассислар Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиё савдо йўлларини боғловчи энг қулай нуқта эканли-гини таъкидлашмоқда. У орқали МО Покистоннинг Карачи шаҳрида-ги денгиз портига чиқиш учун энг яқин йўлга эга бўлади. Шунинг-дек, Афғонистон Яқин Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё, хусусан, Ҳиндистонда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарорлашувида ҳам муҳим ўринга эга. Шу боис, Ҳиндистоннинг мақсади Афғонистон билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдир [14].

Тарихдан Афғонистон аслида Ҳиндистон учун МОга кўприк бўлиб келган. Мамлакатнинг барқарорлашуви даврида Ҳиндистоннинг Аф-ғонистон билан савдо-иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб боради ва Қобул МО мамлакатлари билан алоқаларни янада кенгайтириш учун каналга айланиши мумкин. Савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳаларда сезиларли ҳамкорлик мавжуд бўлсада, Янги Деҳли биринчи навбатда МО билан ўзининг ортиб бораётган энергия эҳтиёжини қондириш учун энергетика соҳасида ҳамкорликни кучай-тиришга интилмоқда. Бироқ ташаббусларнинг келажаги келгуси йил-ларда Афғонистонда қандай сиёсий ва хавфсизлик сценарийлари пайдо бўлишига боғлиқ бўлади. Барча мамлакатлар Жанубий Осиёда минта-қавий сиёсатнинг зиддиятли хусусиятларини минималлаштириш учун сиёсий ташаббусларни амалга оширишлари керак [66].

Покистонда фаолият олиб бораётган Мезб-и-ҳаракат-Жиход, Дук-дас-ал-Иршад ва бошқа нодавлат диний-эстремистик ташкилотлар ҳар йили Марказий Осиё мамлакатларидан жалб этилаётган 100дан ортиқ ёшларни террорчилик ҳужумларини ташкил этиш ва ўз мамла-катлари ҳукуматларини ағдариб беқарор муҳитни яратишга ўргатувчи турли хил ўқув курслари ташкил қилиб, ўзларининг бузғунчи тарғи-бот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, Ўзбекистон неча йилдирки Покистондаги террористик кучлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ва терроризм ўчоғига айланган Афғонистонга чегарадош жанубий ҳудудларида исёнчиларга қарши курашиб келмоқда.

Терроризм билан узвий боғлиқ бўлган наркотик моддалар савдоси ҳам минтақа олдида турган энг мураккаб масалалардан биридир. Му-аммонинг Марказий Осиё учун хавфлилик даражаси қанчалик ўсиб бораётганини Қирғизистоннинг охириги 2-3 йил ичида наркотик мод-

далар импорти бўйича Осиёда Мянма ва Таиланддан кейин 3-ўринни эгаллаб келаётгани билан аниқ кўрсатиш мумкин. Ҳозирда Қирғизистон аҳолисининг беш миллиондан ортиқ қисми қора дори етиштириш, етқазиб бериш ёки хом-ашё сифатида қайта ишлаш билан банд. Ўзбекистонга Афғонистондан кириб келувчи наркотик моддалар миқдори охириги 5 йил ичида 11 фоизга ошган. Афғонистондан четга экспорт қилинувчи қора дорининг 50-65 фоизи Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон орқали олиб ўтилмоқда. Бугунги кунга келиб, Ҳиндистон ва Покистонда ҳам ноқонуний наркотик моддалар савдоси жадал ривожланмоқда ҳамда бу соҳада иш олиб бораётган яширин гуруҳлар МО давлатларида ўзларининг доимий ҳамкорларини топишга муваффақ бўлмоқдалар. Натижада эса, жуда катта тармоқ бўйлаб қора дори савдоси билан боғлиқ жиноятлар суръати ўсиб бормоқда. Улардан олинган фойданинг катталиги сабаб таъқиқланган жиноятларнинг амалга оширилишига уринишлар мамлакатларда коррупциянинг авж олиши ва иқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда [21].

2017 йил Давосда ўтқазилган Бутунжаҳон иқтисодий форуми (БИФ)да уюшган жиноятчилик энг кўп авж олган давлатлар 15 талиги эълон қилинди. Бу рейтингда Покистон 10-ўринни эгаллади. БИФ экспертнинг таъкидлашича, терроризм билан узвий боғлиқ бўлган уюшган жиноятчилик фақат Покистон эмас, балки Афғонистондаги вазиятнинг ёмонлашишига ҳам сабаб бўлмоқда ва Марказий Осиёга ҳам тўғридан-тўғри ўз таъсирини ўтказмоқда.

Минтақа миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган ва барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган Покистон билан чегарадош бўлган Афғонистондаги вазиятни ҳудуддаги ҳарбийлаштириш жараёнининг камайтирилиши ва иқтисоднинг қайта тикланишига қаратилган ҳаракатгина унинг Марказий Осиёга нисбатан салбий таъсирини камайишига олиб келиши мумкин ва Марказий Осиё бу масалаларни ҳал этишда Ҳиндистон, аynиқса Покистондан умид қилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Марказий Осиёнинг икки йирик давлатлари Ўзбекистон ва Қозоғистон 2000-2018 йилларда Афғонистонда вазиятнинг мўтадиллашувига ёрдам берувчи замонавий лойиҳалар, жумладан, янги йўлларнинг қурилиши ва таъмирланиши, электр-энергетика, темир йўл қурилиши, тоғ-кон металлургияси, таълимни ривожлантириш ва мутахассислар алмашинувининг амалга оширилиши бўйича бой тажрибага эга бўлди. Шу сабабли ҳам афғон муаммосини ҳал этишга кўмаклашишда Ўзбекистоннинг Ҳиндистон ва Покистон билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиши мазкур йўналишда

самарали натижаларни бериши аниқ. Қолаверса, Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга киритилиши унга аъзо давлатларга биринчи навбатда минтақада терроризм, наркобизнес, экстремизм ва диний айирмачиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифасини ҳам юклади. Шундан сўнг Ҳиндистон қуйидаги муаммоларни ҳал этишда ўзининг амалий ёрдамларини таклиф қилди:

* МОда терроризмга қарши курашишда ҳамкорликдаги ишчи гуруҳни тузиш;

* ахборот ва разведка алмашиш механизмларини ишлаб чиқиш;

* Марказий Осиё ҳарбий кучлари учун тренинглар ўтказиш ва замонавий қурол-яроғ билан таъминлаш;

* терроризмнинг туб сабабларини бартараф этиш, ишсизлик, кам таъминланганлик, қашшоқлик ва бошқа омилларни бартараф этишга ёрдам бериш;

* терроризмга қарши курашишда ижобий таъсир этувчи масала — Афғонистонда барқарорликни ўрнатиш бўйича МО мамлакатлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш [10].

Ҳарбий-сиёсий омиллар

Марказий Осиё ва Покистон давлатлари муносабатларидаги асосий муаммо — бу давлат ва жамият ҳаётида ислом динининг роли ҳақидаги ёндошувларда кескин фарқнинг мавжудлигидир. Маълумки, Покистон аниқ белгиланган исломий мафкурага эга давлат сифатида шаклланган ва ташқи сиёсатнинг асосий пойдеворларидан бири қўшни минтақавий маконда исломий ҳаракатлар ва ташкилотларни қўллаб-қувватлашдир. Барчага маълумки, Покистон махсус хизмати Афғонистон толиблари билан ўзаро алоқа қилади, бу эса, Исломободнинг Афғонистондаги вазиятга доимий таъсир ўтқизиш туришини англатади. Покистон расмий органларининг терроризм ва экстремизмдан воз кечиш ҳақидаги барча ваъдаларига қарамай, бу масала бўйича Покистоннинг позицияси жуда ноаниқлигича қолмоқда.

Марказий Осиё республикалари ва Покистон ўртасидаги муносабатлар нисбатан паст ривожланиш кўрсаткичлари билан сақланиб қолаётганининг сабаблари томонларнинг етарлича сиёсий иродаси йўқлиги ва жиддий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг миқёсли ресурсларни жалб қила олмасликлари билан шарҳланмоқда. Бу асосан Марказий Осиё мамлакатлари бугунги кунда жуда кўп алтернатив танловларга эга эканлиги билан ҳам боғлиқ. Масалан, транспорт ва энергетика транзит масалалари бўйича улар ҳамкорлик қилиш учун жуда қулай шарт-шароитлар яратадиган Туркия ва Эрон билан ҳамкорликни ривожлантиришмоқда. Россия Федерацияси билан анъана-

вий иқтисодий алоқалар ҳам давом этмоқда ва Хитой билан ҳамкорлик ҳажми ўсмоқда. Шунингдек, Фарб Марказий Осиё республикаларининг ресурсларга бой ва фойдали геостратегик позициясига катта қизиқиш билдирмоқда. Марказий Осиё мамлакатларида Ҳиндистон Покистонга қараганда кўпроқ ресурсларга эга бўлган фаол ҳаракати билан ажралиб турибди ҳамда республикалар раҳбариятларининг терроризм ва экстремизмга нисбатан ҳавотирига шерик бўлмоқда [6]. Барча айтиб ўтилган омиллар сабабли Исломобод ҳудудда камроқ эътибор ва имкониятларни қўлга киритмоқда. Лекин таъкидлаш керакки, Исломободнинг Марказий Осиёдаги фаолияти Покистоннинг ички муаммолари, жумладан, сиёсий беқарорлик, кенг тарқалган экстремизм ва терроризмни сезиларли даражада пасайишига узвий таъсир кўрсатмоқда.

Марказий Осиё республикалари ва Ҳиндистон ўртасида фундаментал масалалар бўйича фикрлар ва манфаатларнинг яқинлашуви мавжуд:

а) дунёвий ва демократияга содиқлик ҳамда диний фундаментализмга қарши кураш;

б) трансчегаравий терроризм, қурол-яроғ ва наркотрафика, диний экстремизм ва этник-диний айирмачиликнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидини тан олиш;

в) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилларига ва давлат чегараларининг даҳлсизлигига риоя қилиш;

г) иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш;

д) Афғонистонда тинч ва осойишта қўшничиликни таъминлаш ва бошқалар[51].

Ҳиндистон ва Покистон Афғон масаласида биргаликда ишлашса, мазкур ҳудуд икки давлатни МО билан тўғридан-тўғри боғлашга ёрдам беради. Шунингдек, улар ўртасидаги қарама-қаршилик чегараси келишув ва ҳамкорлик чегарасига айланиши мумкин. Айниқса, Покистон-Афғонистон яқинлашуви ҳар иккала давлатда барқарорликни ўрнатилиши учун жуда муҳим. Сабаби, Покистон-Афғонистон чегараси гиёҳванд моддалар, ноқонуний қурол яроғ савдоси, жангарилар ҳаракати энг авж олаётган ҳудудлардан бирига айланиб қолган. Ҳар иккиси ҳам умумий чегара ҳудудлардаги жиддий масалаларни ҳал қилишлари керак.

Иқтисодий омиллар

Марказий Осиё давлатларининг Покистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини тавсифлайдиган бўлсак, бугунги кунда улар нисбатан заифлашган. Покистон МО республикалари билан экспорт-импорт-

ни кучли йўлга қўйган энг йирик бешталиikka кира олмайди, масалан, Тожикистоннинг 8,7% ва Қирғизистоннинг 5,2% экспорти ҳисобига бу масалада қўшни Афғонистондан фарқ қилмайди.

МО ва Покистон давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг нисбий заифлиги давлатларнинг географик яқинлигига қарамасдан, тўғридан-тўғри ҳаво алоқасининг йўқлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир. 2014 йил бошида Марказий Осиё ва Покистонни бир-бири билан боғловчи Тошкент-Лаҳор ягона йўналиши Ўзбекистон авиякомпанияси томонидан бекор қилинди. Бундай қарорнинг сабаби Тошкент ва Исломободнинг ўзаро виза чекловлари бўлиб, бу эса йўловчи ташиш ҳажмининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

2010-2011 йилларда Покистон МО мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор битимларни имзолашга уриниб кўрди. Эҳтимол, Покистон МО республикалари орасида Ўзбекистон билан энг муваффақиятли ва яқин иқтисодий ҳамкорликка эгадир. 2011 йил март ойида мамлакатлар ўртасида савдо, молия, илмий-техникавий ҳамкорлик, телекоммуникация, транспорт ва инвестицияларни қамраб олувчи икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик бўйича кенг қамровли протокол имзоланди. Шу йилнинг август ойида Покистон корхоналари ва саноат палаталари федерацияси раиси билан учрашувда Ўзбекистоннинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Покистон ишбилармонларини Ўзбекистон тўқимачилик ва фармацевтика саноатига, шунингдек, қишлоқ хўжалигига сармоя киритишга чақирди.

Бошқа мамлакатлар — Қирғизистон ва Тожикистон билан ҳам турли битимлар тузилди. Покистон билан муносабатларда Бишкек ўзини “либерал иқтисодий тизимга эга мамлакат” деб билди ҳамда “арзон ва сифатли Покистон товарлари”ни Россия Федерацияси ва Европага экспорт қилиш учун кўприк вазифасини ўтай бошлади. Айниқса, Электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик Покистоннинг Тожикистон ва Қирғизистон билан иқтисодий алоқаларида муҳим рол ўйнайди[3].

Марказий Осиё, Афғонистон ва Покистон давлатлари ўртасидаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик гоёси бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганига эътиборни қаратсак, ушбу ҳамкорлик кўп йиллик қуроли можаро оқибатларини бартараф этиш ва Афғонистондаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги қадам деб изоҳланмоқда.

Вашингтон ҳозирда МО, Покистон ва Афғонистонни бир-бирига боғлаб турган 900 километрлик автомобил йўлларини қуриш ва таъ-

мирлашни молиялаштирмоқда. Уларнинг катта қисми Афғонистон ҳудудига тўғри келади. Ривожланган транспорт коммуникациялари трансчегаравий иқтисодий ҳамкорликни қайта тиклашга ёрдам беради [47].

Исломободнинг фикри ва таклифига кўра, Покистон ва МОНинг иқтисодий яқинлашуви ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлади. Покистоннинг МО энергия манбаларидан фойдалана олиш имконияти ҳудуд учун энг долзарб бўлган энергия захираси танқислиги муаммосининг ҳал этилишига олиб келади. МО эса Жанубий Осиё минтақасида катта бозорга эга бўлади ҳамда денгизга чиқиш имкониятидан фойдалана олади.

Ўзбекистон Покистонга электр энергияси, пахта, газ, олтин, мис, темир, кўрғошин ва хром каби фойдали қазилмаларни экспорт қилади ва ўз навбатида семент, тўқимачилик маҳсулотлари, пойабзал, дори-дармон, кийим-кечак, телекоммуникация ва ҳарбий жиҳозларни импорт қилади.

Покистон МО минтақасидан ўтувчи транзит савдо йўлларидан фойдаланиш борасида нафақат Ҳиндистон, балки Эрон ва Саудия Арабистони билан рақобатлашувига тўғри келмоқда.

Ундан ташқари, Покистоннинг Марказий Осиё билан тўғридан-тўғри сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлигини мустақамлаши учун унинг минтақа билан умумий чегараларга эга эмаслиги, уларни боғловчи Афғонистондаги вазиятнинг беқарорлиги ҳамда қўшнилари билан турли низоларининг авж олаётгани асосий тўсиқлардан бўлмоқда. Қолаверса, Марказий Осиё давлатларининг АҚШ, Россия, Хитой, Европа, Туркия, Эрон, Япония, Жанубий Корея ва Ҳиндистон йўналишларидаги геосиёсий қизиқишларининг ўсиб бораётгани ҳам Покистоннинг минтақа давлатлари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш имкониятини камайтирмоқда. Шунга қарамай, Покистон Ислом Республикаси кўп сонли инсон ресурслари ва кучли ҳарбий салоҳиятга эга, ишлаб чиқариши ўсиб бораётган Марказий Осиё билан дўстона қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришни хоҳлайди. Бунда Покистон минтақа мамлакатларининг ҳам унга қарашли Гвадар портидан фойдаланишга умидвор эканликларига ишонади. 2007 йил Хитой томонидан қуриб берилган мазкур порт стратегик жойлашувига кўра муҳим аҳамиятга эга, дунё нефт савдосининг 40 фоизи шу порт орқали амалга оширилади ва Покистонга Шимолий Осиё, Африка ҳамда Европа билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришига имкон беради.

2006-2016 йилларда нотекис ривожланиш динамикасига қарамасдан, Покистон ва МО давлатлари ўртасидаги товар алмашиш ҳажми

икки баробарга кўпайди (2016 йилда 84,4 миллион долларга етди). Бу кўрсаткич Покистоннинг умумий ташқи товар алмашинувининг 0,13 фоизини ташкил этди (0,2 фоиз экспортда, 0,1 фоиз импортда) [18].

Айни пайтда Марказий Осиё давлатларида Покистоннинг йирик инвестицион лойиҳалари йўқ. Лекин Покистон ҳукумати яқин келажакда Ўзбекистонда енгил саноатнинг текстил соҳасида чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир нечта заводлар ва Қозоғистонда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш заводларини очиш бўйича лойиҳаларини амалга оширишини айтиб ўтган. Ҳозирда покистонлик инвесторлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда иқтисодийнинг банк, туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнеси соҳаларида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишган. Шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда Покистон Миллий Банкининг бўлимлари фаолият юритмоқда.

2016 йил май ойида Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Покистон ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида CASA-1000 (Central Asia — South Asia Electricity Transmission and Trade/Марказий Осиё-Жанубий Осиё Электр токи узатиш ва Савдо) лойиҳаси эълон қилинди ҳамда у бўйича қурилиш ишлари бошланди ва бу қурилиш 2020 йилгача тугатилиши керак. Мазкур лойиҳа Марказий Осиё республикалари ва Жанубий Осиё давлатлари энергия тизимини бир-бири билан боғлашни ҳамда Тожикистон ва Қирғизистондан олинган электр энергиясини Афғонистон орқали Покистонга етқазиб беришни назарда тутди.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Покистон Марказий Осиёда АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон ёки Туркиячалик мавқе ва таъсир кучига эга бўлмаса-да, лекин минтақада кўплаб аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни ўз ташқи сиёсатининг бирламчи вазифаларидан қилиб белгилаб олди.

Марказий Осиё билан қадимдан алоқалар мавжуд бўлсада, Ҳиндистоннинг минтақадаги иқтисодий, стратегик ва хавфсизлик масалаларидаги муносабатлари қониқарли даражада ривожланмади. Фақатгина 2009 йилдан бошлаб ўзаро муносабатлар янги бисқичга кўтарилди. 2009-2013 йилларда МОНинг бешта республикалари раҳбарлари бир неча мартта расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлдилар. Шунингдек, Ҳиндистон Бош вазири ва қатор вазирликлар раҳбарлари ҳам кўплаб соҳаларда келишув ва битимлар имзолаш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бир неча бор МОда бўлдилар.

2012 йил 12-13 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ташкил этилган “Track-II” биринчи Ҳиндистон-Марказий Осиё ди-

алоги минтақа билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим қадам бўлди. Ушбу анжумандан кўзланган асосий мақсад Ҳиндистон ва МОдаги академиклар, олимлар, ҳукумат вакиллари ва ишбилармонлар ўртасида йиллик суҳбатлар форумини бошлаш эди. Шунингдек, биргаликда МО ҳудудида университетлар, шифохоналар, ахборот технологиялари марказлари қуриш ва уларнинг электрон тармоқларини яратиш, ўзаро савдо-сотиқ ва туризмни ривожлантириш учун ҳаво алоқасини яхшилаш, қўшма илмий тадқиқотларни ташкил этиш, мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари бўйича стратегик шериклик ва бошқа бир қатор йўналишларда янги келишувлар имзоланди. 2012 йилнинг июнида Бишкекда бўлиб ўтган “Ҳиндистон ва Марказий Осиёнинг дастлабки суҳбати” деб номланган конференцияда Ҳиндистон Ташқи Ишлар Вазири Едапакат Аҳмад Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги бугунги стратегиясини белгилаб бераётган “Central Asia Connect Policy” лойиҳасини эълон қилди. Бу лойиҳа доирасида замонавий шифохоналар, университетлар, ахборот-технологиялари ва электрон сайтларни ривожлантириш марказларини қуриш ва такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2014 йил Тожикистон ва Покистон чегарасидаги Фархор туманида ҳарбий касалхона қурилиб фойдаланишга топширилди. 2018 йилнинг охирига қадар Ўзбекистонда Ҳиндистон Таълим вазирлиги ва бир нечта университетлари билан Ўзбекистон Олий ўқув юртлари ўртасида илмий-маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган 350дан ортиқ шартномалар имзоланди ва тажрибалар алмашилди. Ҳиндистон ИИОБ(Инфратузилмавий инвестициялар Осиё Банки)га аъзо бўлгач, Тожикистон билан Ўзбекистонни тўғридан-тўғри боғловчи Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудидаги энг катта автомагистрал йўлнинг қурилиши учун 27,5 миллион доллар миқдорида кредит ажратди [56].

2015 йилда ўтказилган “Renewal Energy” саммити ва 35-Ҳиндистон ҳалқаро савдо ярмаркаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг 2015 йил июнь ойидаги МОга бешинчи ташрифи чоғида иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган бир қатор келишувлар имзоланди. Жумладан, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан келгуси беш йил ичида Ҳиндистонга 5000 тонна урани етқазиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг “ONGC-Videsh Ltd” компанияси шу йилнинг 7-июлидан Сатбаев блокада нефтни қидириш учун бурғилаш ишларини бошлади.

2015 йил 13 декабрда Ҳиндистон Вице-Президенти Ҳамид Ансорий, Покистон Бош Вазири Навоз Шариф ва Туркманистон ҳамда

Афғонистон раҳбарлари учрашиб, 7,6 миллиард долларлик ТАПИ газ қувур лойиҳасини имзолашганди. Бу лойиҳани амалга оширишда баъзи муаммолар тўсқинлик қилмоқда:

а) Афғонистондаги хавфсизлик масалалари билан боғлиқ муаммолар;

б) Ҳиндистон билан Покистон муносабатларидаги зиддиятлар ва бошқалар.

2016 йил декабрида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон Ҳиндистонга ташриф буюрди ҳамда мазкур ташриф доирасида қатор келишув ва битимлар имзоланди:

1) Ҳиндистон ва Тожикистон республикалари Телевидения ва радиоэшиттириш қўмиталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми;

2) Ҳиндистоннинг Молиявий разведка бошқармаси ва Тожикистон Миллий банки ҳузуридаги Молиявий мониторинг бўлими ўртасида соҳа билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда тажриба алмашиш тўғрисида келишув;

3) икки томонлама инвестицияларни ривожлантириш бўйича келишув ва бошқалар.

Шу йилнинг ўзидаёқ Қирғизистон Президентининг ҳам Ҳиндистонга расмий ташрифи давомида Ҳиндистон Қирғизистон Республикаси билан қатор самарали келишув ва битимларга эга бўлди. Хусусан, икки давлат ўртасида туризмни ривожлантиришга қаратилган Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ташқи Ишлар вазирликлари, Мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик келишувлари, Ҳиндистон Миллий Хавфсизлик Ташкилотининг Қирғизистоннинг Силаҳли Қутлугар Лицияси билан ёшлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, икки томонлама сармояларни қўпайтириш бўйича келишувлар ва бошқалар [51].

Ҳиндистон, Хитой ва Россия ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Евроосиё минтақасининг шимолидан жанубига қадар 7200 км ҳудудни боғловчи “Шимол-Жануб транспорт йўлаги” лойиҳаси нафақат мазкур давлатларнинг, балки Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳалардаги манфаатларига тўлиқ мос келади. Бу савдо йўлаги Ҳиндистондан Россия, Форс кўрфази ва Каспий денгизигача бўлган ҳудудни ўз ичига олиб, унга кўра товар ва махсулотлар Ҳиндистон шимолидаги Кандла ва Жавоҳарлаъл Неру портларидан ортилиб Эроннинг Бандер-Аббас портигача олиб борилади. Кейин эса автомобил ва темир йўллари орқали Россиянинг Москва ва Санк-Петербургда шаҳарларига олиб келинади. Лойиҳанинг давоми сифатида Каспий денгизининг шимолий қисми ҳамда Ўзбе-

кистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Эронни боғловчи янги темир йўлининг қурилиши кутилмоқда. Бу лойиҳа минтақа давлатларида товарни ташишга сарфланадиган вақтни 30%га камайишига, нархларни эса, 40%гача арзонлашишига олиб келади.

Ҳиндистон ва Покистон МОда иқтисодий таъсирларини кенгайтиришлари учун минтақадаги учта мамлакат — Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон ҳамда уларга нисбатан жанубда жойлашган Афғонистоннинг мустақам интеграциясини қўллаб қувватлашлари зарур. Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон (ТАПҲ) йўналишида ер ости газ қувур йўлининг қурилиши бундай ҳудудий-иқтисодий комплексга эга бўлишларида муҳим рол ўйнайди, бу орқали Ҳиндистон ва Покистон бой газ таъминотига эга бўлади, шу билан бирга ўзларининг хом-ашё экспорти учун Марказий Осиё ҳамда Афғонистон бозорига кириш имкониятини қўлга киритадилар.

Ҳиндистон ўзига қарашли Жамму ва Кашмир, Покистонга тегишли Озод Кашмир ҳудудини боғловчи “Катта Кашмир” темир йўли орқали Буюк ипак йўли тизимига боғланади. Кашмир бўйлаб Буюк ипак йўлининг тикланиши нафақат минтақада балки бутун дунёдаги иқтисодий ва геосийсий жиҳатдан ижобий ўзгаришларга асос бўлади. Анъанавий савдо йўлларининг қайта очилиши Ипак йўлида бирлашувчи ҳамкорлар манфаатларининг ўзаро мослаштирилишига, эркин савдо зонасининг яратилишига ва энг асосийси маданиятлараро ҳамда мафкуравий зиддиятларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига ёрдам беради[67].

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё сиёсати ҳақида гап кетганда, Янги Деҳли ҳар қандай учинчи давлатга зарар етказмасдан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида минтақада тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш, савдо ва инвестицион имкониятларни кенгайтириш, терроризм, наркотрафик ва диний экстремизм муаммоларини ҳал этиш ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, МО Ҳиндистоннинг бевосита қўшниси бўлмасада, минтақа Янги Деҳли учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида иккала томон ҳам муносабатларни мустақамлаш учун салмоқли иш олиб борди, аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. 2017 йилнинг июн ойидан бошлаб Ҳиндистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлгани ҳам Янги Деҳли учун МО йўналишида янги имкониятларни очди.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё стратегик жойлашувига кўра бир томондан Ҳиндистон, Покистон ва Россия, бошқа томон-

дан МДХ давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасида йўлак вазифасини ўтай олади. Шубҳасиз, Ҳиндистон минтақада ва минтақавий сиёсий-иқтисодий жараёнларда алоҳида ўрин тутади. Бу эса асосан мамлакатнинг геостратегик жойлашуви билан боғлиқ. Ҳиндистоннинг МО минтақасига қизиқиши тобора ортиб бораётгани нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунё бўйлаб Ҳиндистоннинг ўз ўрнини мустақамлашга ҳаракат қилаётганини ифодалайди. Ҳиндистон 90 - йилларда юзага келган ўз ички муаммоларини бартараф этишга муваффақ бўлди. Эндиликда у бутун дунёда ўз манфаатларини кенгайтиришга уринаётган етакчи давлатлар қаторидан жой олишга ҳаракат қилаётган куч сифатида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, МО кўшни стратегик аҳамиятга эга минтақа бўлганлиги учун у билан муносабатларни ривожлантиришга уриниши Ҳиндистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Мамлакат 13-Бош Вазир Индер Кумар Гужрал минтақанинг аҳамияти ҳақида гапириб, “Марказий Осиё давлатлари Ҳиндистоннинг энг яқин хорижий ҳамкорлари” деб таъкидлайди.

Ҳиндистонни МОда ўз мавқеини мустақамлашга уринишининг яна бир асосий сабаби унинг анъанавий ташқи сиёсатдаги рақиблари – Хитой ва Покистоннинг ҳудуддаги муваффақият учун олиб бораётган сабъ-ҳаракатларидир. Минтақадаги Хитой билан рақобат иқтисодий соҳага йўналтирилган бўлса, Покистон билан муносабатлардаги кескинлик МОдаги хавфсизлик масалалари билан боғлиқ бўлмоқда. Бу ерда Ҳиндистон олдида икки вазифа кўндаланг туради: Покистон таъсирини камайтириш ҳамда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш. Лекин негадур Ҳиндистон ҳали ҳам МО минтақасида муваффақият қозона олмаяпти. Бир қатор экспертлар Ҳиндистоннинг ҳудуддаги сиёсатига нисбатан “кечикканнинг тақдири” иборасини ишлатиб келишмоқда. Вашингтонда ишловчи икки франциялик тадқиқотчилар ўзларининг “Жаҳон харитасида Марказий Осиё: Ҳиндистон ғоялари ва стратегиялари” номли китобларида мавжуд вазиятнинг бир неча сабабларини кўриб чиқадилар. Муаллифларнинг фикрларига кўра, Ҳиндистон демократик давлат бўлиб, у инсон ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликлар етишмаслиги туфайли танқид қилинаётган Марказий Осиёдаги ички тартиб қоидаларни тўлиқ қувватлай олмайди. Бошқа томондан эса, АҚШ ва Европа Иттифоқи муҳолифат муҳитида тарафдорларни кўлга киритишдан манфаатдорлар. Бундан ташқари, энг кўп эҳтиёжлари (ичимлик суви, уй-жой, таълим, тиббий ёрдам ва ҳ.к.) билан қониқмаган Ҳиндистоннинг бир миллиарддан кўп аҳолиси мамлакат иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг намунаси

бўла олмайди. Ўз навбатида мазкур масалалардаги муаммолар бўйича ечимларни ҳам Ҳиндистон Марказий Осиёга бера олмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ҳиндистон ролини заифлаштирувчи энг асосий омил бу — географик жиҳатдан унинг минтақадан узоқлигидир. Унинг Покистон билан узоқ йиллик муаммоларини ва қарама-қаршиликларни ҳал қилиш, шунингдек, минтақавий беқарорликни мустаҳкамлаши учун вақт талаб этилади, баланд овозда расмий баёнотларнинг ўзи етарли эмас. Буларнинг барчаси Ҳиндистонни “кичик бир ўйинчи”га айлантиради холос. Шунга қарамай, сиёсий башоратчилар Ҳиндистон-Марказий Осиё муносабатларининг ривожланиш салоҳиятига ишора қиладилар. Собиқ Иттифоқ парчаланганидан бери ўзаро манфаатлар заифлашиб қолмади, ўзаро ҳамкорлик кўлами кенгайтирилди, ҳамкорликда истиқболли режалар ишлаб чиқилди, муваффақиятли кўшма лойиҳалар пайдо бўлди. Асосий халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўзаро тушуниш ва муштараклик муҳити шаклланди. Бу мамлакатлар ўртасида юз йиллар давом этган ўзаро маданий, сиёсий ва иқтисодий таъсирлар натижасида яқин инсон алоқаси пайдо бўлиб улгурди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда Покистон ва Марказий Осиё муносабатлари анчайин барқарор ва ривожланиш салоҳиятига эга. Бироқ, уларнинг даражаси нисбатан паст, сабаби ҳозирда савдо ва иқтисодий соҳаларда заиф ва нисбатан кичик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг ривожланишини баҳолашда муваффақиятнинг асосий шarti Афғонистондаги вазиятни нормаллаштиришдир. Умуман олганда, иқтисодий алоқаларни янги даражага кўтаришга бўлган ўзаро интилиши, конференциялар ўтказиш ва турли келишувларнинг имзоланишига қарамай Марказий Осиё ва Покистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бугунги кунда жуда паст даражада қолмоқда. Бунинг сабаблари минтақавий транспорт инфратузилмасининг сустлиги, Афғонистондаги беқарорлик ва МО бозорида Покистоннинг ташқи савдодаги энг муҳим шериклари Хитой, АҚШ, Форс кўрфази ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг таъсири кучлилигида намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Асанбаев М. (2008). Политика Индии в Центральной Азии. Казахстанский центр политической конъюнктуры.
2. Белов Н.С. и Кошкин, А.М. (2016). Военная доктрина Пакистана. Зарубежное военное обозрение. №3. 27-31.
3. Галишева Н.В. (2018). Центральноазиатский вектор внешнеэко-

номической политики Пакистана: основные проблемы и перспективы. Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. http://journals.rudn.ru/international_relations

4. Говорушко С.И. (2017). Столкновение цивилизаций на примере Индо-Пакистанского конфликта. Современные научные исследования и инновации. №10. <http://web.snauka.ru/issues>

5. Додонов В. (2011). Перспективы казахстанско-индийского сотрудничества в инвестиционной сфере/ Индия – Казахстан: перспективы стратегического партнерства: материалы международного семинара в Нью-Дели. Алмата. КИСИ при Президенте РК.

6. Емельянова Н. (2017). Актуальный баланс сил в Азии и положение Индии. Институт философии РАН, Москва

7. Зайцев М.С. (2018). Военных доктрин Индии и Пакистана. Министерство иностранных дел Российской Федерации. Москва. <http://dx.doi.org/10.18611/2221-3279-2018-9-3-14-25>.

8. Индо-пакистанский конфликт в контексте проблемы региональной безопасности на Среднем Востоке. (2017). Центр стратегических оценок и прогнозов.

9. Курбанов С.А. (2014). Особенности развития экономики современной Индии. Научная библиотека диссертаций и авторефератов. <http://www.dissercat.com/content/osobennosti-razvitiya-ekonomiki-ovremennoi-indii>

10. Мухидинова Е. (2014). Индийский фактор в Центральной Азии «Изменения в геостратегической карте Азии и Северной Африки в начале XXI века», ИВ РАН, Москва, с. 288–307.

11. Обзор отношений между Индией и Туркменистаном (2011). Посольство Индии в Туркменистане. <http://www.indianembassy-tm.org/bilateral>

12. Оракбаева М.У. (2010). «Indian Policy towards Central Asia: Evolution and Dynamics of Changes» (Политика Индии в Центральной Азии: эволюция и динамика изменений). Института Дипломатии Академии государственного управления при Президенте Республики Казахстан.

13. Парменова М.И. (2004). Индия и проблема региональной безопасности в Южной Азии в конце XX века - начале XXI века.

14. Президент Узбекистана И.Каримов отправляется в Индию обсуждать энергетику и Афганистан (2011). Информационное агентство «Фергана.news». <http://www.fergananews.com/news>

15. Савкович Е.В. (2012). Развитие отношений Индии с государствами Центральной Азии в 1990-2000-е гг. и позиция Китая.

16. Сотрудничество Республики Таджикистан с Республикой Ин-

дия (2014). Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. <http://www.mfa.tj/index.php?node=article&id>

17. Султанов Б.К. (2011). Индия – Казахстан: перспективы стратегического партнерства: материалы международного семинара в Нью-Дели. Алмата. КИСИ при Президенте РК.

18. Токтамысов С.Ж. Взаимодействие Пакистана и Узбекистана в контексте укрепления безопасности в Центральной Азии. Кафедра гуманитарных и социально-экономических наук Академия акварели и изящных искусств. Москва.

19. Турсунов Т.Х. (2006). Установление и развитие дипломатических, торгово-экономических и культурных отношений между Таджикистаном и Республикой Индия: 1947-2005гг. Научная библиотека диссертаций и авторефератов. Душанбе. <http://www.dissercat.com/content/ustanovlenie-i-razvitie-diplomaticheskikh-torgovo-ekonomicheskikh-i-kulturnykh-otnoshenii>

20. Хашханов А.И. Этнический сепаратизм в Пакистане как угроза региональной безопасности. Кафедра теории и истории международных отношений Российский университет дружбы народов. Москва.

21. Хантингтон С. (2016). «Столкновение цивилизаций». Серия эксклюзивная классика. АСТ. 640.

22. Хуссейн М.С. (2013). Проблемы безопасности в Центральной Азии и роль Индии. Геополитика.ru

23. Чжун-Ин Гуаньси. (2006). Конкуренция и сотрудничество: регион с точки зрения китайско-индийских отношений. Дандай Я Тай. Современный АТР. №12.

24. Adnan M and Fatima B. (2015). Strategic and economic interests of Pakistan and India in Central Asia. *South Asian Studies*, 30 (2), 187-200

25. Ahmar M. (1999), India's relations with the Central Asian states: Pakistan's perspective. In Riazul Islam (Ed.) *Central Asia: History, Politics and Culture*. Karachi: Institute of Central and West Asian Studies.

26. Akbarzadeh S. (2003). India and Pakistan's geostrategic rivalry in Central Asia. *Contemporary South Asia*, 12 (2), 219–228

27. Alexei V. (2001). *Central Asia: Political & Economic Challenges in Post Soviet Era*. London: Saqi Books

28. Alibekov I. (2016). India set to expand presence In Central Asia. <http://www.eurasianet.org/departments/business/articles/eav120303shtml>

29. Anuj Dhar. (2009). *CIA's eye on South Asia*. Manas Publication. New Delhi.

30. Bal S. N. (2004). *Central Asia: A strategy for India's look-north policy*. Mumbai: Lancer Publisher.

31. Bano S. and Sohail, M. (2014). Economic prospects between South and Central Asia with special reference to India, Pakistan and Afghanistan. *A Research Journal of South Asian Studies*, 29 (2), 435-441
32. Bennett J.O. (2007). *Pakistan: Eye of the Storm*. New Haven and London. Yale University Press. p.196.
33. Bharvaj S. (2006). *India's thrust for energy security: Need for India-Central Asia Cooperation*. Imprint Duplicators. New Delhi.
34. Davis, G. (2011). *The India-Pakistan Military Standoff*. Palgrave Macmillan US. p. 240.
35. Dubey M. & Jetly, N. (1999). *South Asia and its Eastern neighbours. Building a Relationship in the 21st Century*. Konark Publishers. New Delhi.
36. Feigenbaum E.A. (2011). *Strengthening fragile partnerships: An agenda for the future of US-Central Asia relations*. USA: Project 2049 Institute.
37. Foltz R. (2007). *Cultural contacts between Central Asia and Mughal India*. In S. Levi & M. Alam (Ed.), *India and Central Asia: Culture and commerce, 1500-1800* (pp.155-175). New Delhi: Oxford University Press.
38. Foshko K. (2011). *India-Kazakhstan: Beyond energy II*. Gateway House. Retrieved from <http://www.gatewayhouse.in/india-kazakhstan-looking-beyond-energyii/>. Accessed on 21 April, 2014
39. Gulshan S (2010). *Regional economic linkages*. In N, Joshi (Ed.), *Reconnecting India and Central Asia emerging security and economic dimensions*. Delhi: Pentagon Press.
40. John W. (2013). *Future of Afghanistan post-2014 and implications for India*. ORF issue brief and special report. Retrieved From http://www.orfonline.org/wpcontent/uploads/2013/08/IssueBrief_57.pdf Accessed on 3 April, 2016.
41. Kaul V.K. (2001). *Terrorism in Asia: New Threats and Challenges./ Terrorism: The Global Perspective*. New Delhi. Kanishka Publishers pp. 117-21.
42. Kaushik D. (2006). *India-Central Asia Relations: Revitalizing The Civilizational Ties for a Stable and Prosperous Asia*. Imprint Duplicators. New Delhi.
43. Kim Y. and Indeo, F. (2015). *The new great game in Central Asia post 2014: The US 'New Silk Road' strategy and Sino-Russian rivalry*. *Communist and Post Communist Studies*, 46, 275-286.
44. Kort M. (2004). *Central Asian republics* (1st edition). New York, N.Y: Facts on File
45. Laruelle M. and Peyrouse S. (2013). *Mapping Central Asia: Indian perceptions and strategies*. Farnham: Ashgate Publishing.
46. Liu X. (2012). *India and Central Asia: A reader*. Delhi: Permanent Black

47. Lockard, C. A. (2014). *Societies, networks, and transitions: A global history*. USA: Cengage Learning.

48. Markovits C. (2011). *The global world of Indian marchants, 1750-1947*. UK: Cambridge University Press

49. Mavlonov I. R. (2006). *Central Asia and South Asia: Potential of India's multilateral economic diplomacy in inter-regional cooperation*. Retrieved from http://www.idsa.in/system/files/strategicanalysis_Ibmavlonov_0606.pdf Accessed on 11 August, 2014

50. Mann P. (2001). *Fighting Terrorism: India and Central Asia*. *Strategic Analysis*. vol. XIV, 2. pp. 2047-48.

51. Maurya D. K. (2016). *Indo-Central Asian cooperation: Interests and challenges*. *IJELLH*, 4 (9), 71.

52. Nichol J. (2014). *Central Asia: Regional developments and implications for U.S. interests*. CRS Report. Retrieved from <https://fas.org/sgp/crs/row/RL33458.pdf> Accessed on 14 June 2015./Nichol, J. (2010). *Central Asia: Regional development and implications for U. S. interests*. US: Diane Publishing.

53. Patnaik A. (2005). *Central Asia and India: the post Taliban prospects*. *Contemporary Central Asia*, 9 (2-3), 13-29.

54. Pomfret R. (2006). *The Central Asian economies since independence*. Princeton University Press.

55. Raiser M and Dobronogo A. (2006). *Economic cooperation in the wider Central Asia Region*. Washington DC: World Bank Publications.

56. Raj Kumar Kothari. (2018). *India's Strategic Interests in Central Asia in the Post-Soviet Years: Expanding Vistas of Partnership* Vidyasagar University, India.

57. Raja Reddy. (2005). *India and ASEAN. Foreign Policy Dimensions for the 21 Century*. New Century Publications. New Delhi.

58. Roy M.S. (2001). *India's Interest in Central Asia*. *Strategic Analysis*. vol. XXIV, No. 12, p. 2277./ Roy, M.S. (2003). *Commonalities of India and Russian Interest in Central Asia*. *New Trends in Indo-Russian Relations*. New Delhi. Kalpaz Publications. p. 213.

59. Sharma R. (2012). *India's Ayni Military Base in Tajikistan Is Russia-locked*. Retrieved from http://indrus.in/articles/2012/10/26/indias_ayni_military_bas_in_tajikistan_is_russia-locked_18661.html Accessed 11 March, 2016

60. Sheikh A. H. (2015). *Trade between Kashmir and Central Asia via Traditional Corridors of Ladakh*. *International Journal of Culture and History*, 2 (2), 1-14.

61. Singh J. (1999). *Kargil 1999: Pakistan's Forth War for Kashmir*/The Institute for Defence Studies and Analyses. New Delhi. pp.138-139.

62. Suvankulov F. and Guc Y. (2012). Who is trading well in Central Asia? A gravity analysis of exports from the regional powers to the Region. *Eurasian Journal of Business and Economics*, 5 (9), 21-43.

63. Stobdan P. (2006). Building a strategic partnership with Kazakhstan: A blueprint for India's Central Asia Policy. *Central Asia and The Caucasus*, 5 (41), 113-125

64. Taylor Rupert, R. A. (2014). Prevalence and causes of vision loss in Central and South Asia: 1990-2010 of the Global Burden of Disease Study.

65. Weitz R. (2006). Averting a new Great Game in Central Asia. *The Washington Quarterly*, 29 (3), 155–167.

66. Zafar A. (2015). India-Central Asia: Finding new synergies for greater engagement. ICWA Policy Brief. Retrieved from www.icwa.in/pdfs/PB/2014/IndiaCentralAsiaPB09072015.pdf. Accessed on 19 February, 2015

67. Zhang H. (2015). Building the Silk Road economic belt: Challenges in Central Asia. *Cambridge Journal of China Studies*, 10 (3), 17-35.